



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 19 май, № 97 (6532) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 май куни Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Болгария Бош вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи ўзаро муносабатларда муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда яхши имконият эканини таъкидлади. Ўзбекистон Болгарияни аънанавий ва ишончли иқтисодий ҳамкор деб билади, ўзбек ва болгар халқлари узоқ йиллик дўстлик алоқаларига эга. Учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари — саноат, транспорт коммуникациялари, туризм, шунингдек, замонавий қўша саноат корхоналарини ташкил қилиш-

нинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди. Томонлар Болгария Бош вазири ташрифи доирасида 18 май куни «Ангрен» махсус индустриал зонасида юқори технологияли янги «УзПристайл» қўша корхонасининг очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин мисоли бўлганини қайд этдилар. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ва Болгариянинг «Приста Ойл» компанияси томонидан таъсис этилган мазкур корхона синтетик ва яримсинтетик мотор мойларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Б. Борисов янги корхонанинг экспорт салоҳияти юқори экани-

ни, Ўзбекистонда ташкил этилган «Навоий» ва «Ангрен» махсус иқтисодий ва индустриал зоналарида хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қўлай шароит яратилгани, бу янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эканини таъкидлади. Бу Болгария компанияларига Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларида чиқиш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Болгарияда олиб борилаётган ва асосий йўналишлари иқтисодийнинг рақобатбардорлигини ошириш, инвестицияларни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес-

ни ривожлантириш бўлган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлашни таъкидлади. Болгария Бош вазири Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар стратегияси натижасида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга эришилганини юқори баҳолади. Бугунги ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Томонлар ўзаро савдо алоқаларини янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистон Болгария бозорига кенг турдаги саноат маҳсулотлари экспорт

қилиш ва ушбу мамлакатдан юқори технологияли товар ва ускуналар импорт қилишдан манфаатдор. Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишбилармон доиралар делегациялари алмашиб бўйича келишиб олинди. Б. Борисов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Болгария Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ў.А.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш — долзарб масала

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Бюджет кодексининг давлат харидларини амалга оширишга доир нормаларнинг Сирдарё вилоятидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил яқунлари муҳокама этилди.

Бозор инфратузилмаси тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, давлат харидлари тизими ҳар қандай мамлакат ичида маълум турдаги товарлар ва хизматлар айирбослаш соҳасининг ажралмас қисми, хўжалик юртишнинг либерал бошқарув тури ҳамда рақобатни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда унинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги ҳамда 2013 йил 5 апрелдаги «Электрон харидлар тизи-

мини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари соҳани ривожлантиришда дастуриламал бўлмоқда. Бинобарин, ушбу ҳужжатлар асосида электрон шаклдаги харидлар тизими янада кенгайтирилади. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобат кучайиб, уларни мазкур тизимга янада кенгроқ жалб этиш учун қўлай шароит яратилди.

Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағларини ишлатишда очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, табиий монополия субъектларининг товарлари ҳамда хизматлари нархларини мақбуллаштириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистонда иқтисодиёт, илм-фан, туризм жадал ривожланмоқда»

Польша пойтахти Варшавада Ўзбекистон эришаётган катта муваффақиятлар мавзусига бағишланган нуфузли тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг замонавий тараққийети, иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти, халқимизнинг илмий-маданий меросига оид маълумотлар маросим қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

ДУНЁ НИГОҲИ

Анжуманда сўзга чиққан «Bezkrusy» сайёҳлик компанияси (Польша) раҳбари В. Лавески юртимиз том маънода эртақмонанд диёр эканлигини таъкидлади. — Ўзбекистоннинг гўзал табиати, кўндан-кўп кўнун ҳамда маҳобатли ёдгорликлари ҳар қандай киши-

ни ҳайратга солади, — деди у. — Мовий гўлбазлар, миноралар, ажойиб ва бетакрор меъморий обидалар туристларни ўзига шайдо қилмоқда. Шунингдек, Ўзбек халқининг урф-одатлари ҳамда аънавалари хорижлик саёҳат шинавандалари эътиборини тортаяпти.

Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива асрлар давомида Буюк Ипақ йўлидаги асосий маданий гавҳарлар бўлгани, улар маданият, савдо, илм-фан утуқлари ҳамда билимлар алмашишда катта ўрин тутгани кўпчилида катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз.

Шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёдаги, балки бутун жаҳондаги туризм марказларидан бири ҳисобланади. Чунки у тарихий қадимжолари ва дам олиш масканлари сони бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Лазарски университетининг профессор В. Эйдриан ўз чиқишида юртимизда саноатнинг деярли барча тармоғини қамраб олган кўплаб етакчи корхоналар фаолият кўрсатаётганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).

Миллий маҳсулотларимиз юксак эътироф этилаёпти

Пойтахтимизда «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар» V халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мазкур тадбир Ўзбек-чармпойабзали» уюшмаси томонидан ташкил этилди.

АНЖУМАН

Президентимиз раҳнамоллигида мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, енгил саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини кўргазманинг очилиш маросимида алоҳида эътироф этилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 23 февралдаги «Республика иқтисодиётининг чармпойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда турини ошириш, янги корхоналар-

ни очиш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Мисол учун, 2014 йили юртимизда 40 дан ортқ янги корхона ташкил этилиб, 60 га яқини модернизация қилинган бўлса, ўтган йили соҳани ривожлантиришга қаратилган 163 та лойиҳа амалиётга татбиқ этилиши натижасида 207 та янги корхона фаолиятга йўлга қўйилгани ҳолда, 57 тасида технологик янгиланишлар амалга оширилди. Бунинг учун 154 млн. АҚШ долларининг инвестиция ўзлаштирилди. Пировардида салкам 3100 та иш ўрни очилиб, уларга, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб қилинди.

Ўтган йили, шунингдек, 100 млн. АҚШ долларининг маҳсулот экспортга йўналтирилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткичи 190 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Тармоқлараро алоқалар янада кенгаяди

Тошкентда Машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш, Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексларининг тармоқ саноат ярмаркалари бошланди.

Тармоқлараро алоқалар янада кенгаяди

Ривожлантириш вазирилик таркибидagi 220 дан ортқ корхона ҳамда ташкилотлар ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

Аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу форум мамлакатимиз саноати салоҳиятини юксалтириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш, улар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини мутта-

сил оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йилги тадбирда 165 дан зиёд корхоналар томонидан 1200 турдан кўпроқ маҳсулот намойиш этилган бўлса, шундан 82 таси Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги маҳсулотлар эканлиги, яқунда эса 39,9 млрд. сўмлик шартномалар имзолангани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

Нефть-газ соҳасининг йирик форуми

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Эътиборлиси, бу йилги форум нафақат иштирокчилар, балки намойиш этилаётган махсулот ёки хизматлар кўлами бўйича ҳам аввалгиларидан алоҳида ажралиб туради. Яъни унда геология, геофизика, нефть ҳамда газ конларини қазиш, махсулотларни ташиш, сақлаш ускуналари билан бирга, алоқа, телекоммуникация, хавфсизлик, назорат-ўлчов, лойиҳалаш ва қуриш сингари хизматлар ҳам таклиф этилапти.

— Масалан, биз газ-компрессор шохобчалари учун асбоб-ускуналар етказиб бериш ҳамда уларни Италия технологияси асосида ишлаштириш билан шуғулланамиз, — дейди “Fornovasgas” компанияси вакили Нозим Шермухамедов. — Ушбу кўргазмада доимий қатнашаётганимиз боис шу кунгача республикамизнинг турли ҳудудларида автомобилларга газ қуйишга ихтисослаштирилган бешта шохобчани қуриб бердик.

“Ўзбекистон нефть ва гази — OGU — 2016” халқаро кўргазмаси доирасида, шуниингдек, “Ўзбекистон

нефть-газ тармоғи: технологиялар, инвестициялар ҳамда ривожланиш” мавзусида халқаро конференция ҳам ўтказилиб, унда юртимиз нефть-газ саноати ўсиши, углеводород базасини кенгайтириш, нефть ва газ конларини қидириш ҳамда қазиб чиқариш самарадорлиғи, инвестициявий салоҳияти, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Бундан ташқари, форум асосида “Uz-Prista Recycling” Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов, Болгария Республикаси Бош вазирини Б. Борисов сўзга чиқди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Қисқа сатрларда

● “Ўзбекистон саноат” акциядорлик жамияти томонидан “Соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва ушбу йўналишдаги ўқув муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

● Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида умумий ўрта таълим мактабларидаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни ахборот хуружларидан атраш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга бағишланган тарғибот тадбири ташкил этилди.

● Тошкент молия институтида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

● Андижон давлат университетидида “Тафаккур синовлари” республика танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

● Фаргона шахрида ички ишлар тизими тарихи ва бугундан ҳикоя қилувчи музей ҳамда элурч тинчлиги йўлида жонини фидо қилган ўғлонлар хотирасига эҳтиром рамзи сифатида Хотира хиёбони ташкил этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Миллий махсулотларимиз юксак эътироф этилапти

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бешинчи мартаба ўтказилаётган “Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар” халқаро кўргазмасида мамлакатимизда фаолият юритаётган 60 дан ортиқ корхоналардан ташқари, Ҳиндистон, Хитой, Россия каби ташқи давлатларнинг субъектлари ҳам қатнашиб, улар томонидан бозор талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар намойиш этилаётди.

Айтиш жоизки, республикамизда тайёрланаётган чарм махсулотлари, уларнинг сифати ҳамда дизайни чет эллик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотапти.

Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суьратларда ривожланиб, жаҳон бозоридида ўз ўрнини топаётган давлатлардан биридир, — дейди Ҳиндистондаги “Aryman Footwear Exports” корхонаси раҳбари Кульдип Сингх. — Хусусан, пойабзал ишлаб чиқариш салоҳияти ортиб бораётган

гани ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишда қўл келмоқда. Шунинг назарда тутиб, биз ҳам ушбу кўргазмада иштирок этиш истагини билдирдик. Уйлайманки, бу иқтисодий ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига туртки беради.

Кўргазмада “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар томонидан тайёрланаётган кенг турдаги махсулотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Масалан, “Erkatoy-Bolajon”, “Hamkor Nur Savdo”, “Farg'ona charm polimer”, “Kosonsoy al-Aziz”, “Dambog” royabzali savdo”, “Хўжаобод” сингари корхоналар аёллар, эркеклар, болалар, спорт пойабзали, шунингдек, ортопедик оёқ кийимларини тақдим этаётди. Улар томонидан чарм ва унинг ўрнини босадиган материаллардан тикилган махсулотлар — кийим-кечаклар, сумка, камар, спорт инвентарлари, айниқса, иштирокчиларга манзур бўлаётди.

— Корхонамизда 100 хилга

яқин болалар, аёллар, эркеклар ҳамда спорт пойабзаллари ишлаб чиқарилапти, — дейди Наманган вилоятидаги “Kosonsoy al-Aziz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Жаматов. — Бошқача айтганда, йилга 200 минг жуфт ана шундай оёқ кийимларини харидорларга етказиб бераёلمиз. Кўргазмада иштирок этишимиздан мақсад эса, ички ва ташқи бозорга янада фаол кириб бориш ҳамда илғор тажрибаларни ўрганишдир.

Эътиборлиси, ушбу тадбирда оилавий тадбиркорлар ҳам қатнашиб, ўзларининг миллий махсулотларини намойиш қилишаётди.

— Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган “Malikai Sulton” оилавий корхонасининг савдо бўлими бошлиғи Бекзод Абдуллаев. — Айни пайтда 150 турдан ортиқ аёллар ва эркеклар учун чарм кийим-кечаклар ишлаб чиқараёلمиз. Улар нафақат мамлакатимиз бозорларида со-

тилмоқда, балки экспорт ҳам қилинаётди. Чунинчи, бугунги кунгача Ҳиндистон, Хитой ҳамда бошқа давлатларга умумий қиймати 300 минг АҚШ долларидан кўпроқ махсулотларимизни юборишга муваффақ бўлдик.

Пойтахтимиздаги “Hamkor Nur Savdo” компанияси менежери Жамшид Умаровнинг айтишича, бу ерда ишлаб чиқарилаётган чарм махсулотларига талаб муттасил ортиб бормоқда. “Ушбу тадбирда эса янги шериклар топишни мўлжаллаб турибмиз”, дейди у.

Анъанага кўра, кўргазма якунида кўплаб шартномалар ва инвестициявий битимлар имзоланиши кўзда тутилган.

Уч кун давом этадиган анжуман доирасида “Энг яхши чарм-атторлик махсулотлари”, “Энг яхши пойабзал дизайни”, “Энг яхши стенд” каби номинациялар бўйича голиблар аниқланиб, уларга махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

Тармоқлараро алоқалар янада кенгайди



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Мазкур ярмаркада ҳар йили қатнашамиз, — дейди “Artei” компаниясининг савдо бўлими бошлиғи Камолиддин Тўлаганов. — Сабаби, у ишлаб чиқараётган махсулотларимизни оммага кенг таништириш баробарида, бошқа корхоналар билан манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришимизда ҳам қўл келмоқда.

Мисол учун, бултур 2016 йилда махсулот

етказиб бериш бўйича 10 млрд. сўмликка яқин шартнома тузган эдик. Ҳозиргача ушбу ишларнинг 30 фоизи амалга оширилди. Қолган қисмини йил охиригача удалаймиз.

Жорий йилда “Artei” бренди остидида катта ҳажмли советик, савдо шохобчалари учун мўлжалланган музлаткич, компьютер монитори сингари янги махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Тадбирда уларни

омма эътиборига ҳавола қилаёلمиз.

Тўрт кун давом этадиган тармоқлараро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида “Маҳаллийлаштириш — ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтиришнинг муҳим омили” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Бу эса тармоқлараро алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилади, албатта.

Д. ЖУМАБОВ.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тадбирда ўтган даврда юртимизда давлат харидлари тизимини ривожлантириш баробарида, электрон аукцион ва каталог ҳамда корпоратив харидлар каби замо-

да ҳамда бошқа айрим масалаларда кўзга ташланган камчиликларга ҳам эътибор қаратдилар. Айни чоғда харид қилиниши лозим бўлган товарлар бўйича бюортмалар махсус электрон порталда жойлаштирилиши,

Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш — долзарб масала

Навий электрон ахборот технологияларига асосланган тизим тўлақонли фаолият кўрсатаётгани қайд этилди. Чунинчи, Сирдарё вилоятида ҳам 2015 йилда электрон аукцион ва каталог савдолари натижаси бўйича умумий қиймати қарийб 21 млрд. сўмлик жами 13 мингта шартнома тузилган. Ўтказилган савдолар натижасида салкам 10 млрд. сўмлик бюджет маблағлари иқтисод қилинган. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида вилоятнинг Гулистон шаҳри, Бёвўт, Сирдарё, Сайхун-обод туманларида бюджет маблағларини салмоқли миқдорда тежалган.

Депутатлар амалда электрон ахборот порталига бюджет ташкилотлари томонидан товарларнинг харид қилиш юзасидан эълон ва бюортмаларни жойлаштиришда, бюортмачиларнинг бу товарларни қабул қилиб олишида, етказиб бериш шартларининг шартномага мувофиқ, товарларни ўз вақтида етказиб бериши-

электрон савдолар ўтказилиши, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар томонидан давлат харидларига кичик бизнес субъектларини янада кенг жалб этиш мақсадига мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Муҳокамалар жараёнида юқоридидаги масалани ўрганиш давомида вилоятда кўмита ташаббуси билан давлат харидларини амалга оширишдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига бағишланган давра суҳбати ўтказилгани, унда соҳани янада такомиллаштиришга доир тавсиялар берилгани таъкидланди.

Йилгида депутатлар томонидан амалга оширилган назорат-таҳлил ишлари натижалари асосида соҳага оид қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

«Ўзбекистонда иқтисодиёт, илм-фан, туризм жадал ривожланмоқда»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Бу фикр оғир саноат, машинасозлик ҳамда автомобилсозликдан тортиб, тўқимачилик ва енгил саноатгача бўлган, шунингдек, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар мавжудлиги билан изоҳланади, — деди у. — Марказий Осиёдаги машинасозлик махсулотларининг қарийб учдан икки қисми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Лазарски университети ректори, профессор Кристина Иглика-Окольска “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида республикамиз таълим тизими тараққиётига тўхталиб ўтди.

— Мен Ўзбекистон олий таълим жаҳасидаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман,

— деди у. — Мамлакатингиздаги таълим сифати халқаро миқёсдаги энг яхши тажрибаларга мос келади. Бу тизим ҳам ёшлар манфаатларига, ҳам мамлакат иқтисодиётига хизмат қилади.

Мазмун-моҳияти жиҳатидан ноёб ҳисобланган кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълимнинг узлуксизлиги, касбий тайёрликнинг мунтазам чуқурлашуви ва янгилини боришини кўзда тутди.

Шуни таъкидлашни истардимки, юртингизда мунтазам тадқиқотлар олиб бориш йўли билан таълим ҳамда меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора такомиллаштирилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

«Жаҳон» АА.
Варшава

Тадбиркор аёл муваффақияти

Дўстлик туманидаги “Нодира чевар” хусусий корхонаси дастлаб фаолиятини беш турдаги махсулот ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Бугунги кунга келиб, жамоа томонидан тайёрланаётган либослар тури 22 тага етди.

ИЗЛАНИШ

— Цехларимиз Германиянинг энг илғор дастгоҳлари билан жиҳозланган, — дейди корхона раҳбари Нодира Мелибоева. — Шунинг учун ҳам махсулотларимиз сифати, дизайни хариддорларда катта қизиқиш уйғотапти. Жорий йилдан бошлаб яна 7 турдаги кийим-кечак-

ларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Қолаверса, “Устоз — шоғирд” анъанаси асосида хотин-қизларга тикувчилик сирларини ҳам ўргатаёلمиз. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани самарасидир.

Муҳимбой ИСМОИЛОВ.

Устувор вазифалар ва ОАВ

Пойтахтимизда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда

депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш давлат

сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олис қишлоқларда истиқомат қиладиган аҳоли, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший ҳамда тиббий шарт-шароитлар яратиш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқларда уй-жой-

лар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар бажарилаяпти.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун 1,7 мингдан ортиқ спорт заллари барпо этиш, соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини юксалтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, илғор педагогик ва ахборот коммуникация

технологияларини кенг жорий қилиш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларига қаратилган вазифалар рўйбга чиқарилаётди.

Анжуманда Давлат дастури барча йўналишининг мазмун-моҳияти ҳамда унда журналистнинг масъулияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ўртасида ўтказилган “Йилнинг энг фаол ахборот хизмати” республика танлови якуни эълон қилинди. Голиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ватанга муҳаббат ифодаси

Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавий тарғибот маркази, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган мазкур акцияда 54 мингдан зиёд йигит-қиз ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тадбир доирасида адабиёт, маданият, илм-фан, санъат намояндаларидан иборат гуруҳлар томонидан республикамизнинг истиклол йилларидаги жадал тараққиёти, олиб борилаётган ислохотлар самараси, юрtdошларимизнинг дунё микёсида эришган муваффақиятлари ҳаётий мисоллар асосида тарғибот қилинди.

Шунингдек, "Кеча ва бугун", "Ибратли йул" фотосуратлар кўргазмалари, "Ким эдигу ким бўлди?" фотослайди, тинчлик ҳамда осойишталигимизни асраб-авайлаш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини мустақамлаш, юртга садоқатли инсонлар бўлиб вояга етишларига ундовчи фильмлар намойиш этилди.

— Тарғибот тадбирлари кўтаринки руҳда бўлиб ўтди, — дейди Сирдарё вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ойбек Каримов. — Анжуман воҳамизнинг барча ҳудудини қамраб олди. Бинобарин, шу вақт мобайнида 161 умумий ўрта таълим мактаби, 51 академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи, шунингдек, Гулистон давлат университетида ёшлар билан учрашувлар ташкил қилинди. Қолаверса, бундай мулоқотлар шахару туманлар аҳолиси вакиллари иштирокида ҳам уюштирилди. Жойлардаги санъат усталари ва

эстрада хонандалари ижросидаги чиқишлар эса тадбирга ўзгача шуқуқ бағишлади.

Юзма-юз мулоқотларда қатнашган навқирон авлод вакиллари давлатимиз томонидан яратиб берилаётган беқийёс имкониятлар ўзлари эришаётган ютуқларнинг бош омилли эканлигини билдирдилар. Тарғибот гуруҳининг энг ёш аъзоси, талаба Азиза Абдурахмонова эса бир неча учрашувларда иштирок этиб, Ватан, Истиқлол, тинчлик ҳамда бахтиёр ёшликни таранг этувчи шеърларидан намуналар ўқиб берди.

— Фестивалдан катта таассурот олдик, — дейди у. — Хусусан, бўлиб ўтган суҳбатлар, намойиш қилинган фото ҳамда видеолардан мустақиллик, осойишталик, озод ва обод Ватанимизни асраб-авайлашга дахлдорлик ҳиссини туйдик. Ўзим қишлоқда туғилиб-ўсганман. Аввал замонавий шароитларга эга мактабда, сўнгра касб-хунар коллежида таълим олдим. Ҳозир эса Гулистон давлат университети талабасиман. Бадий ижод билан шуғулланаман. Шеърларим ўтган йили республика ёш ижодкорларнинг "Ватан, ягонасан" баёзида чоп этилди. Бундан ташқари, 2014 йили "Юксак маънавиятли авлод" ёшлар фестивалининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгалладим. Хали ниятларим кўп. Улардан энг муҳими, юртимизга муносиб фарзанд бўлишидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

Ёш дастурчилар танлови

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "BestSoft Challenge" дастурий таъминотини яратиш бўйича навбатдаги танлов бошланди.

АКТ

Жорий йилнинг 26 августига қадар давом этадиган мазкур интеллектуал беллашув Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини жорий қилиш маркази, "Қамолот" ЁИХ, "BePro" дастурчилар маркази масъулияти чекланган жамияти ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида ташкил этилмокда.

Бу ҳақда кеча пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Дастурий таъминотлар АКТ бозорининг муҳим таркибий

қисми бўлиб, мамлакат иқтисодий самарадорлигини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида, сўнги йилларда инновацион тараққиётга эришишда софтвер соҳасининг роли тобора ошиб борапти. Бинобарин, юртимизнинг етакчи таълим муассасалари базасида дастурлаштириш йўналишида мутахассисларни комплекс тайёрлаш йўлга қўйилган.

Юқоридаги лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам ёш дастурчиларни рағбатлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш, дастурий таъминотлар

бозорини янада рағбатлантириш, ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

"BestSoft Challenge" танловида қатнашиш учун 26 августга чакка ёки гуруҳ тартибиде (тўрт кишигача) software.uz сайтида он-лайн режимида рўйхатдан ўтиш, "Электрон тижорат йўналишида энг яхши лойиҳа/ишланма", "Таълим йўналишида энг яхши лойиҳа/ишланма", "Энг яхши компютер ва мобиль ўйин" номинацияларидан келиб чиқиб тайёрланган дастурий таъминотни тақдим этиш зарур.

Ишланма ҳамда лойиҳалар-



ни баҳолашда уларнинг долзарблиги, гоёнинг оригиналлиги, технологик афзалликлари, амалда қўллаш жиҳатидан қулайлиги, дастурий таъминотдан эркин фойдаланиш, унинг очик кодли тизимда яратилганлиги ҳисобга олинади.

Сиджон МАХСУМОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Qishloq Qurilish Bank

юрtdошларимизга қуйидаги омонат турларини тақлиф этади.

Миллий валютада:

- «Соғлом авлод»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Омад»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Ёрқин келажак»** — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

«Юқори даромад»

Омонатга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Капитал плюс»** — омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади.
- «Percent»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
- «Profit»** — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган:

- «Мадад»** — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Хонадон»** — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошланғич бадал»** — муддати — 1 йил.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- эгаллик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-72-58, 150-39-93.

www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилнинг биринчи чорагида Японияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1,7 фоиз ўсди, деб хабар берди "The Wall Street Journal" нашри.

Ўтган йилдагидан яхши

Юқоридаги кўрсаткич (0,7 фоиз) ҳамда экспорт ҳажми (0,6 фоиз) ортгани муҳим омил бўлди. Бироқ охиригача эришилшида ҳисобот даврида истеъмол (0,5 фоиз) ва давлат харажатлари қисқарди.

Ноодатий об-ҳаво туфайли

Кийим-кечаклар чакана савдоси бўйича дунёдаги йирик тармоқлардан бири — "H&M" (Швейцария) компаниясининг апрель ойидаги савдолари ҳажми 5 фоиз кўпайди.

Ваҳолонки, экспертларнинг бу борадаги прогнози 9 фоиз эди. Мазкур маълумот тарқатилгандан сўнг ушбу бренд акциялари нархи ҳам 1,5 фоиз арзонлашди.

Таҳлилчиларнинг айтишича, ўтган ойда кузатилган ноодатий совуқ об-ҳаво туфайли миқдорлар ёзги либосларни камроқ харид қилишган. Компания раҳбарияти май ойида яхши натижаларни қўлга киритишга умид қилмокда.

Сабаби ўрганилапти

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штати Оберн шаҳридаги заводлардан бирида кучли ёнғин рўй бериши натижасида икки киши жароҳатланди, юзга яқин киши ҳафсиз жойга кўчирилди.

Ўндан ортиқ ўт ўчирувчи бригадаси талафот оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилган. "Nine News" манбаси хабарига кўра, фожея фабрикада портлаш содир бўлгандан сўнг келиб чиққан. Фалокат сабаблари аниқланмокда.

Ҳам соат, ҳам тақинчоқ

Швейцариянинг жаҳонга машҳур "Swatch" соатсозлик компанияси оқ-қора, қизил ва нимяшил туслардаги янги моделлари коллекциясини намойиш этди.

Уларнинг ичида қўлга тақиладиган, чўнтақда олиб юриладиганлари бор. Яна бир моделга эса маржондан ишлов берилган бўлиб, у ҳам тақинчоқ, ҳам циферблат вазифасини бажаради. Мазкур маҳсулот бўйинга тақиб юрилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ

очик аукцион савдосига тақлиф этади.

2016 йил 21 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 сентябрдаги 11-1432/5199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ҳазалкент шаҳри, Мармар кўчаси, 1-уйда жойлашган қуйидаги мулклар қўйилмокда:

1. Майдони 1155,51 кв.м. бўлган (литер-0001) 2 қаватли маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 761 381 563 сўм.
2. Майдони 377,42 кв.м. бўлган (литер-0006) маҳсулот кесии (штрип) цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 115 714 260 сўм.
3. Майдони 668,65 кв.м. бўлган (литер-0013) мармардан мозаика ишлаб чиқариш (мазалит) цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 78 288 178 сўм.
4. Майдони 242,50 кв.м. бўлган (литер-0008) компрессор биноси.
Бошланғич баҳоси — 101 519 607 сўм.
5. Майдони 241,88 кв.м. бўлган (литер-0004) 2 қаватли гараж маъмурияти биноси.
Бошланғич баҳоси — 101 593 041 сўм.
6. Майдони 805,03 кв.м. бўлган (литер-0003) гараж бокслари, 1-бокс биноси.
Бошланғич баҳоси — 155 855 469 сўм.

7. Майдони 805,03 кв.м. бўлган (литер-0005) гараж бокслари, 2-бокс биноси.
Бошланғич баҳоси — 169 543 054 сўм.

Кўчмас мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси фолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабдорлар зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ҳамда ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, зақалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Батафсил маълумот олиш учун манзил:
Тошкент шаҳри, Амвр Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz
Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP MЧЖ»

очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 23 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Ўзбекистон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сўх тумани судининг 2016 йил 22 январдаги 1-02/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳри, «Пастки кўрик» МФЙ, Низомий кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 326,73 кв.м., фойдаланиш майдони 281,30 кв.м. бўлган, 0001-литердаги спорт зали ва савдо дўкони қўйилмокда.

Бошланғич баҳоси — 169 962 529 сўм.

Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 21 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 9 июнь куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такоран қўйилмокда:

1. Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 декабрдаги 15-13-07/25223-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Ғунча» ҚФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1393,64 кв.м., фойдаланиш майдони 1284,37 кв.м. бўлган, 0001 — 0003-литерлардаги бино-ишоотлар.

Бошланғич баҳоси — 82 724 815 сўм.

2. Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001, 0002-литерлардаги озиқ-овқат дўкони.

Бошланғич баҳоси — 52 302 906 сўм.

Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 7 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 58-уй, 1-қават.
Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофиза қилиш масалалари қўмитаси Қўзғатилган аъзоси С. В. Самойлова онаси
Лия Григорьевна САМОЙЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Олий математика кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди
Назаржон МАМАДАЛИЕВИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси доценти Муҳитдин Тиллашаёвга отаси
Суннатилла ТИЛЛАШАЙОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАВСУМ

Аҳолининг мева-сабзавот маҳсулотлари-га бўлган эҳтиёжини қондириш ва нарх-навонинг ўсишига йўл қўймаслик мақсадида Сурхондарё вилоятида мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланилмоқда. Хусусан, жорий йилда 77 гектар ерда тоқзор, 400 гектар майдонда интенсив боғ яратилди. Воҳада фермер хўжаликлари ихтиёридаги эски боғлар ўрнида эртапишар ҳамда интенсив боғлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.



Сурхон воҳасининг тотли неъматидир

Бу эса мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган Термиз, Ангор, Бойсун ва Олтинсой туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмини кенгайтириш имконини берапти. Маълумки, Сурхон воҳаси — мамлакатимизнинг серкуёш худудларидан бири. Айниқса, вилоят марказига яқин туманларда мева-сабзавот маҳсулотларининг аксарияти апрель — май ойларидаёқ пишиб етилади. Бинобарин, айни пайтда ўрик, гилос сингари витаминга бой мевалар, картошка, пиёз

ҳамда сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олиниб, аҳоли дастурхонига пешма-пеш тортиқ қилинаётир. Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари соҳиб-ларига қарийб 60 та экспортчи корхона яқиндан ёрдам берапти. Денов, Жарқўрғон, Ангор ҳамда Термиз туманларида эса мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш учун ихтисослаш-тирилган, барча шарт-шароит-га эга тайёрлов базалари фаолияти йўлга қўйилган. — Жорий йилда худудимиз-даги ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида салкам

6 минг тонна мева ва 62 минг 14 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган, — дейди Термиз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўли-мининг етакчи мутахассиси Чўли Алланазаров. — Эъти-борлиси, Рўзибой Ўтаев раҳбарлигидаги “Сохибкор” фермер хўжалиги боғбонлари 100 тоннадан зиёд ўрик ҳамда гилосни экспорт қилишга эришди. Таъкидлаш керакки, ушбу туманда томорқа самардорли-гини ошириш, аҳоли етишти-рган маҳсулотни четга чиқариш

юзасидан республика ташқи савдо компаниялари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳам ўз натижасини кўрсатапти. — Солибод, Гулистон, Наврўз, Жуйжангал, Мангузар каби маҳалларимизда яшов-чи аҳоли хонадонларининг деярли ҳаммасида ўриқнинг “Жавзои” деб аталадиган эртапишар ва серхосил нави парваришланади, — дейди “Паттакесар” қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли Хўжаназар Алиёров. — Улар бир ҳафта ичи-да экспортчи корхоналар кўма-

гида 100 тоннага яқин ўриқни ташқи бозорга жўнатишди. Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда Сурхондарё вилоятида мавжуд боғларда олтинранг бўлиб пишган ўриқлар ҳамда қирмизи гилосларни териб ва тайёрлов базаларига топшириш юмуш-лари қизгин тус олган. Тайёрлов базалари ходимлари эса бундай меваларни ички ҳамда ташқи бозорларга ўз вақтида етказишга ҳаракат қилишмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тарбия масъулиятдир

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида “Психотроп моддаларнинг инсон саломатлигига таъсири ва унинг салбий оқибатлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Анжуман мазкур инсти-тутдан томонидан Ўзбе-кистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳам-корлигида уюштирилди. Маълумки, мамлака-тимизда наркотик мод-далар тарқалишига қарши курашиш бўйича самарали тизим яратил-ган. Жумладан, 1994 йилда Наркотик модда-лар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбеки-стон Республикаси Дав-лат комиссияси ташкил этилди. 1999 йили Ўзбе-кистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воси-талари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Шу асосда гиёҳвандлик ҳамда ушбу иллат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар

келиб чиқшининг олди-ни олиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўри-ляпти. Қолаверса, бу кўчага адашиб кирган-ларни даволаш ва реа-билитация қилиш мунта-зам такомиллаштириб боришмоқда. Албатта, зарур чора-тадбирлар-нинг амалга оширили-шида ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, даво-лаш муассасалари, жа-моат ташкилотлари, ма-ҳалла ҳамда таълим му-ассасаларининг ҳамкор-лигини алоҳида таъкид-лаш лозим. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбирда ёшлар-ни зарарли иллатлардан асраш бўйича фикр-му-лоҳазалар билдирилди. **Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ИНТИЛИШ

Бугун бирор соҳа ривожини ахборот-комму-никация технологияларисиз тасаввур қилиш мушкул. Хусусан, мамлакатимизда кутубхона тизимининг компьютерлаштирилиши юртдош-ларимизнинг керакли адабиётлар билан танишиш, қулай ва тезкор ахборот олиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республика-сининг “Ахборот-кутубхо-на фаолияти тўғрисида”-ги Қонуни ва давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 23 февралда имзоланган “2011 — 2015 йилларда ахборот-ком-муникация технология-лари негизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатиши сифат жиҳа-тидан ривожлантирилиши давом эттириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарор бу борадаги исло-хотларни юқори босқич-га олиб чиқди. Натижада зиё мисканлари янги нашр қилинган адабиёт-лар билан бойитилиб, соҳага замонавий техно-логияларнинг жадал ки-риб бориши, хусусан, компьютер ёрдамида уларнинг электрон нусха-ларини яратиш, масофа-дан туриб ўқитиш синга-ри тезкор фаолият тур-ларини жорий этилди. Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли ахборот-ресурс марказида ҳам ана шун-дай қулайликлар муҳайё

Китоб мутолааси

маънавий камолотнинг муҳим шартидир

қилинган. Бу ерда 30 мингдан зиёд китоб жамғармаси мавжуд бўлиб, шундан 3180 таси электрон адабиётлар си-расига кирди. Қолавер-са, 4600 та дарслиқнинг электрон нусхаси ҳам яра-тилган. Бу эса муассаса-ми хизматидан фойдала-нувчилар сони йилдан-йилга кўпайишида ҳал қилувчи омил бўлаётир. Биргина 2016 йилнинг ўтган даврида АРМга 40 минг нафардан ортқ китобхон ташриф буюр-гани сўзимиз тасдиғидир. Албатта, марказда иш жараёни автоматлашти-рилгани ўз самарасини бермоқда. Бинобарин, электрон каталог ҳамда тўлиқ матнли электрон ресурслар базаси ярати-



Маълумки, юртимизда барча соҳада олиб бори-лаётган ислохотларнинг негизда инсон манфаат-лари устуворлигини таъ-минлаш, айниқса, ёш ав-лодни мустақил, теран фикрлайдиган, баркамол инсонлар қилиб вояга ет-казишдек эзгу мақсадлар мўжассам. Бу борадаги хайрли ишлар рўёби эса китоб мутолааси билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, уларда илм-маърифат, донишмандлик, ақл-за-коват, баркамолликка эришиш сирлари яши-рин. Шу маънода, бугун китоб ўқимайдиган, газе-та-журналларда эълон қилинаётган янгиликлар билан мунтазам танишиб бормайдиган одамлар замондан ортада қолиб, жамиятимиздаги соғлом рақобат муҳитига дош беролмайдилар. Биноба-рин, эртаими эгаларни билимли, Ватанга садо-қат, миллий ва умумин-соний гоғларга хурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш учун бор қуч-қайратимизни ишга солиб, фаолиятимизни такомиллаштириб бориш тайидан бўлаётир. Бунинг учун эса имкони-ятимиз ҳам, салоҳияти-миз ҳам етарли.

Ойдин РАҲМОНОВ, Навоий вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Ахборот-ресурс маркази директори.

МАДАНИЯТ хабарлари

Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига кўра, “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан суратга олинган “Ойқиз эртаги” бадиий фильми намойиши ва унинг ижодкорлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ойқиз эртаги»

Маълумки, мамла-катимизда миллий ки-нематография соҳаси-ни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу фазилат-лар руҳида камол топ-тиришга хизмат қила-диган юксак савияли киноасарларни яратиш, ижодкорларни ҳар жи-ҳатдан қўллаб-қувват-лашга алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. Мазкур жиҳатлар кей-инги йилларда энг сўнги техника ва тех-нологиялар ёрдамида тасвирга туширилаёт-ган картиналар ҳамда кино ижодкорларнинг маҳорати ҳам намоён бўлмоқда. Истеъдодли ёш режиссёр Акбар Бектурдиев томонидан

суратга олинган “Ойқиз эртаги” бадиий филь-мида ана шу омишлар кўзга яққол ташланади. Ушбу фильм афсона ва ривоятлар асосида яратилган бўлиб, унда Ватанин севиш, осои-ишталикни кўз қорачи-гидек асраб-авайлаш, мардлик, ҳалоллик сингари эзгу гоғлар акс эттирилган. Фильмда махсус эффектлардан фойда-ланилгани томошабин-да ўзгача қизиқиш уйғотади. Қисқаси, мазкур кинокартинани ижодий изланишлар ва маҳорат намунаси, дейиш мумкин.

Дилмурод АБДУРАИМОВ.

Тасвирлар изҳори

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида рангтаъсирчи рассом Йигитали Турсунназаровнинг “Севаман сизни” деб номланган шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Унда мусаввирнинг Ватанимиз табиати, шаҳару қишлоқларимиз, юртдошларимиз сиймоси, анъана ва қадриятларимиз акс эттирилган асарлари ўрин олган. Муаллифнинг, айниқса, “Сўнги мактуб”, “Айрилик”, “Хаёл”, “Амир Темур”, “Сув ҳақида достон” сингари картиналари томошабинларда алоҳида қизиқиш уйғотаяпти.

Кўргазма 8 июнга қадар давом этади. **Моҳира АДИЗОВА.**

Янги марказ иш бошлади

Бухоро туманидаги “Юрнбол” қишлоқ фуқаролар йиғини худудида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига давлатимиз томонидан 476 миллион сўм сарфланди.

300 ўринли томо-ша зали, кенг ҳамда ёруғ хоналардан иборат мазкур марказда санъатнинг турли йўна-лишлари бўйича 8 та тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ ёшлари бу ерда бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, иқтидорлари-

ни юзага чиқариш им-конига эга бўлишяпти. Жорий йилда туман-даги “Саховат” қишлоқ фуқаролар йиғини худу-дида ҳам худди шундай замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маска-ни ишга туширилиши режалаштирилган. **Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Санаторийга туҳфа

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан “Тахиятош” уруш ва меҳнат фахрийлари сана-торийсига 21 миллион сўмлик замонавий тиббий ускуна ҳамда уч миллион сўмлик дори-дармон воситалари туҳфа қилинди.

ҲИММАТ

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида кекса авлод вакилларига юксак эъзоз-эҳтиром кўрсатилаёт-гани алоҳида таъкидланди.

Айтиш жоизки, ҳаракат-таянч тизими ва асаб касалликларини даволашга ихтисослаштирилган мазкур муассасада ўтган йили Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан келган икки минг нафардан зиёд, жорий йилнинг биринчи чорағида эса 525 нафар нуроний ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



Гран-придан учта бронза

Дзюдо бўйича Қозоғистонда ташкил этилган Гран-при туркумига кирувчи турнирда ҳамюртларимиз совринли ўринларни эгаллади.

Айтиш жоизки, мазкур мусобақада дунёнинг саксондан зиёд мамлакатидан тўрт юзга яқин полвон нафақат голиблик, балки Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўллан-ма берувчи рейтинг очколари учун ҳам кураш олиб борди.

Терма жамоамиз аъзолари Диевбек Ўрозбоев ва Шарофид-дин Лутфиллаев вази 60 кило-граммга бўлган спортчилар ўртасида, Соиб Қурбонов эса 100 килограммга бўлган иштирокчилар беллашувиди учинчи ўринни кўлга киритди. **С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**

Сув полосу мусобақалари

Наманганда ўсмирлар ўртасида сув полосу бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда мезбонлардан ташқари, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда пойтахтлик ёш истеъдод эгаларидан иборат ўн олтита жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

Ўғил болалар ўртасида Тошкент шаҳрининг марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари-га тенг келадигани топилмади. Наманган сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби жамоасига қумуш медаль насиб этган бўлса, мезбон вилоят терма жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Қизлар жамоалари ўртасидаги кураш ҳам қизгин ҳамда муросасиз кечди. Яқунда



Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби биринчи, Наманган вилояти терма жамоаси иккинчи, Хоразмнинг “Урганч ОЗК” жамоаси учинчи бўлди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тозаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳаф — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.37 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6